

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 193 (1792), 2026 йил 18 сентябрь, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news



Фаровонлик харитаси

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУГУН ШИДДАТЛИ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРМОҚДА

Қорақалпоғистон сўнгги йилларда, хусусан, янги ривожланиш дастурлари доирасида кескин иқтисодий, экологик ва ижтимоий янгилашни даврини бошдан кечирмоқда. Илгари ушбу ҳудуд фақат экологик инқироз ҳудуди сифатида қўрилган бўлса, бугун у йирик инвестициялар, саноат ва “яшил” технологиялар марказига айланиб бормоқда.

Ҳудуднинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий қиёфасини янгилашга қаратилган кенг кўламли ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Оролбўйи иқтисодий жиҳатдан юксалиш баробарида замонавий инфратузилма, “яшил” технологиялар ва туризм марказига айланиб, қиёфасини тубдан ўзгарибди. Қурган денгиз тубидаги миллион гектардан ортиқ майдонда саксовул ва чўл ўсимликлари экилиб, қум кўчиши сезиларли даражада тўхтатилди.

Нукус ва Мўйноқ каби ҳудудлар янги қиёфа касб этиб, замонавий инфратузилма, аэропорт ва йўллар барпо

этилмоқда. Савицкий музейи, Мўйноқ ва Устпорт платоси сайёҳлар эътиборини тортмоқда. Туристлар оқими бир неча баробар ошди.

Қорақалпоғистон катта иқтисодий ҳамда инвестициявий салоҳиятга эга. Шу боис, иқтисодиётда сезиларли ўзгаришларга эришилди. Жумладан, 8 йил олдин ҳудуд иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳажм бўйича энг охириги ўринда эди. Бугун 7-ўринга кўтарилди. Саноат маҳсулотининг атиги 4 фоизи экспортга чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизга етди. Умумий экспорт 2016 йилдагига нисбатан 3,5 карра ошиб, 2,1 миллиард доллар бўлди.

Жорий йил якунига қадар ишсизлик даражасини 4,2 фоизгача, камбағаллиқни 3,2 фоизгача пасайтириш, Нукус шаҳри, Қўнғирот ва Чимбой туманлари ҳамда 109 та маҳаллани ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Қўшимча равишда “огир” тоифадаги Бўзатов, Қонлиқўл, Мўйноқ ва Шуманай туманлари ҳамда 90 та маҳаллада камбағаллиқни 2 баробар қисқартириш чора-тадбирлари қўрилмоқда.

▶ Давоми 3-бетда

ҲАР БИР ТАШРИФДА ОЛТИН ФУРСАТЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ САОДАТИ БОР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Корея Республикасига давлат ташрифи доирасида қатор учрашувлар ва самимий суҳбатлар ўтказди. Биз бу тадбирларни катта қизиқиш билан кузатиб бордик. Мамлакатимиз етакчисининг биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитидаги иштироки ва ўзаро боғлиқликда тараққий этишимизнинг муҳим жихатлари баён этилган нутқи ҳам эътиборимиз марказида бўлди.

Корея халқининг эътиқодий қарашларида бизни қадрлаш ҳисси қадрига эга. Шу боис, иқтисодиётда сезиларли ўзгаришларга эришилди. Жумладан, 8 йил олдин ҳудуд иқтисодиёти аҳоли жон бошига ҳажм бўйича энг охириги ўринда эди. Бугун 7-ўринга кўтарилди. Саноат маҳсулотининг атиги 4 фоизи экспортга чиқарилган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 30 фоизга етди. Умумий экспорт 2016 йилдагига нисбатан 3,5 карра ошиб, 2,1 миллиард доллар бўлди.

Президентимиз матбуот қотиби Шерзод Асодов давлатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга ташрифи якунлари бўйича ахборотда, жумладан, бундай деди: “Президент Шавкат Мирзиёевнинг

Тонгги тароват юртига ташрифи самимий учрашув ва суҳбатларга бой бўлди. Биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити доирасида давлатимиз раҳбари минтақа давлатлари раҳбарлари билан мулоқот қилиб, икки томонлама муносабатлар ва ҳамкорликнинг янги режаларини муҳокама қилди. Самимий табассумлар ва беёмал суҳбатлар мамлакатларимиз ҳамда уларнинг етакчилари ўртасидаги ўзаро ишончни яққол намоён этди.

▶ Давоми 2-бетда

ИНСОН КАПИТАЛИГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ



Тараққиёт ҳақида сўз кетганда, одатда рақамлар, инвестициялар, янги корхоналар, технологиялар ва инфратузилма кўз олдимизга келади. Аммо ҳар қандай тараққиётнинг ортида, аввало, инсон туради. Зеро, замонавий давлатнинг асосий бойлиги унинг ер остидаги қонини ёки моддий ресурсларига эмас. Энг катта стратегик ресурс бу — билимли, салоҳиятли, садоқатли ва ўз касбига дахлдор кадрлар.

Сеулда бўлиб ўтган биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитида Ўзбекистон томонини илгари сурган муҳим ташаббуслардан бири — инсон капиталини ривожлантиришда “буюртма — ўқитиш — бандлик” тамойилини жорий этиш таклифи ҳам айнан шу ҳақиқатнинг ифодасидир.

Бу — кадрга муносабатни ўзгариш фалсафаси. Яъни, аввало, иқтисодиёт ва давлат бошқарувида қандай мутахассис кераклиги аниқланади. Кейин шу эҳтиёждан келиб чиқиб, инсон ўқитилади, билими ва кўникмаси шакллантирилади. Энг муҳими, олинган билим амалиёт билан уйғунлашиб, инсон ўз салоҳиятини намоён қиладиган иш ўрнига эга бўлади.

▶ Давоми 4-бетда

ЖАДАЛ ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

Бугун давлатларнинг тараққиёт суръатини табиий ресурслар ёки ишлаб чиқариш қувватларининг ўзи эмас, балки технология, инновация, билим ва инсон капитали белгилаб бормоқда. Сунъий интеллект меҳнат бозори ва бутун бошли саноат тармоқларини ўзгаришмоқда. Рақамли иқтисодиёт янги имкониятлар билан бирга янги хавфларни ҳам келтириб чиқармоқда. Иқлим ўзгариши, сув танқислиги, энергетик трансформация ва глобал таъминот занжирларидаги ўзгаришлар эса мамлакатлардан бугунги вазифаларни ҳал этиш билан чекланмай, ўн йиллар кейинги тараққиёт эҳтиёжларини ҳам олдиндан кўра билишни талаб қилмоқда.



Президентимизнинг Корея Республикасига давлат ташрифи ва ташрифнинг мантқиқий давоми бўлган “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитига айнан шу нуқтаи назардан қаралса, стратегик аҳамияти янада яққол намоён бўлади. Бу ташриф Ўзбекистон — Корея алоҳида стратегик шериклигини янги мазмун билан бойитиш билан бирга ривожланган давлатнинг улкан технологик ва инновацион салоҳиятини Марказий Осиёнинг иқтисодий, ресурс ва демографик имкониятлари билан уйғунлаштиришга қаратилган янги ҳамкорлик моделига асос солди.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги муносабатлар бугунги босқичга тасодифан келиб қолгани йўқ. Ўтган йилларда шаклланган сиёсий ишонч, иқтисодий манфаатдорлик ва халқларимиз ўртасидаги яқинлик мустақкам пойдевор вазифасини ўтамоқда. Мамлакатимизда Корея сармояси иштирокида 700 дан ортиқ кўшма корхона фаолият юритмоқда. KOICA, Корея Эксимбанки ва EDCF билан ҳамкорликда тиббиёт ва соғлиқни сақлаш, саноат, ахборот-коммуникация технологиялари, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, инфратузилма ҳамда таълим соҳаларида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ташриф арафасида қарий 12 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар портфели шакллантирилгани ҳам муносабатларнинг амалий кўламини кўрсатади.

Аммо бу галги ташрифнинг энг муҳим хусусияти ҳамкорликнинг миқдорий кўрсаткичлардан сифат жиҳатидан янги босқичга ўтаётганида кўринади. Музокараларда Кореянинг илғор технологиялари билан янги Ўзбекистоннинг ресурс ва саноат салоҳиятини бириктириш асосида мустақкам инновацион ва технологик альянсини шакллантириш масаласи илгари сурилди. Бу ёндашув ҳамкорликнинг моҳиятини ўзгариради: гап энди фақат сармоя жалб этиш ёки тайёр технологияларни харид қилиш ҳақида эмас, балки замонавий технологияларни ўзлаштириш, маҳаллийлаштириш, улар асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш ва юқори қўшилган қиймат яратадиган иқтисодиётни шакллантириш ҳақида бормоқда.

Ташрифнинг ишбилармонлик дастури ҳам мазкур мақсадларнинг аниқ иқтисодий асосга эга эканини кўрсатди. Корея Экспорт-импорт банки билан 8 миллиард долларлик янги ҳамкорлик дастурининг қўллаб-қувватлангани, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар, биомарказ, муҳим минералларни қайта ишлаш ва рақамли технологияларни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни жадаллаштириш масалалари шулар жумласидан. Яримўтказгичлар ва янги материалларни ишлаб чиқиш ҳамда синновдан ўтказиш марказини ташкил этиш имконияти ҳам кўриб чиқилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ТАЪМИНОТИ: ТИЗИМГА ХУСУСИЙ СЕКТОР КИРИБ КЕЛМОҚДА



Ҳаво ҳарорати тушиб, салқин кириши билан иссиқлик таъминоти ҳақида ўйлай бошлаймиз. “Бу йил қиш қандай келади?”, “Газ етказиб беришда муаммолар бўлмайdimи?”, “Тизимда йил давомида қўрилган ҳозирликдан одамларнинг кўнгли тўладими?” каби саволлар ортинги ҳам табиий. Чунки коммунал хизматлар сифати бевосита аҳолининг кундалик ҳаётидаги қулайликлар, турмуш фаровонлиги ва кайфиятига таъсир кўрсатади. Айниқса, хонадоннинг иссиқлиги, овқат тайёрлаш имконияти каби оддий кўринган эҳтиёжлар ортида бутун бошли инфратузилма ва катта тизим турибди.

▶ Давоми 4-бетда



НАСРДАГИ ШОИР

6



Муносабат

Жадал иқтисодий юксалиш йўлидаги стратегик шериклик

Бошланиши 1-бетда

Автомобиль саноатида ишлаб чиқариш кенгайтириш ва бутловчи қисмларни маҳаллийлаштириш, электр ва гибрид автомобиллар йиғиш, юқори тезликда ҳаракатланувчи поездлар паркни кенгайтириш, уларга хизмат кўрсатиш марказини ташкил этиш каби режалар ҳам технологик кооперациянинг тобора чуқурлашётганини кўрсатади. Янги илмий саноат био-кластерида илм-фан, саноат ва замонавий технологияларни бирлаштирувчи ахлит экотизмини шакллантириш, аэропортларни бошқариш, рақамлаштириш ва кадрлар тайёрлаш бўйича компетенциялар марказини ташкил этиш ташаббуслари эса ҳамкорликнинг янги моделида технология билан бирга билим ва бошқарув тажрибасини ўзлаштиришга ҳам катта аҳамият берилаётганини кўрсатади.

“Корея Республикасига давлат таширфининг яна бир муҳим натижаси шундаки, икки томонлама муносабатларда шаклланаётган ана шу янги модель биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммитида бутун минтақа миқёсидаги стратегик қараш даражасига кўтарилди.

Бугун Марказий Осиё 80 миллиондан зиёд нуфусга эга, иқтисодиёти 6 фойдан юқори суръатда ўсиб бораётган ва умумий ялпи ички маҳсулоти 500 миллиард доллардан ошган макондир. Корея Республикаси эса технология, инновация ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлардан. Саммитда таъкидланганидек, ана шу икки салоҳиятнинг уйғунлашуви мутлақо янги иқтисодий ва технологик имкониятларни юзага чиқариши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, Президентимиз илгари сурган “Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” номли узоқ муддатли концептуал қарашини ишлаб чиқиш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Унинг моҳияти бугунги муаммоларни ҳал этиш билан чекланмайди. Аксинча, келажакда мамлакатларимизга қандай компетенциялар, ишлаб чиқариш қувватлари, инфра-тузилма, кадрлар ва мутахассислар керак бўлишини олдиндан белгилаш назарда тутилмоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш учун янги ўсиш манбалари ва узоқ муддатли имкониятларни яратадиган ташаббуслардан иборат Жадал ривожланиш лойиҳалари портфелини шакллантириш тақлиф қилинди.

Аслида, бу ёндашув халқаро ҳамкорликнинг замонавий моҳиятини акс эттиради. Тараққиётга эришиш учун энди фақат капитал ва ресурсларнинг ўзи кифоя қилмайди. Келажакни олдиндан кўра билиш,



Одилжон МАМАТКАРИМОВ, сенатор

Шу мақсадда 2030 йилга бориб минтақа мамлакатлари билан Корея ўртасидаги савдо айланмасини 20 миллиард долларга етказиш вазифаси қўйилди. Ўзбекистонда “Марказий Осиё — Корея” саноат-технология паркни ташкил этиш ташаббуси эса ушбу ғоянинг энг муҳим амалий ифодаларидан. У автокомпонентлар, электротехника, машинасозлик, фармацевтика ва кимё саноати каби йўналишларда минтақа бозори учун инновацион ишлаб чиқариш базасига айланиши мумкин.

Бу ерда принципиал аҳамиятга эга бир жиҳат бор: Марказий Осиёнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни ресурслар миқдори билан эмас, ана шу ресурслар асосида

“Бугун Марказий Осиё 80 миллиондан зиёд нуфусга эга, иқтисодиёти 6 фойдан юқори суръатда ўсиб бораётган ва умумий ялпи ички маҳсулоти 500 миллиард доллардан ошган макондир. Корея Республикаси эса технология, инновация ва илм-фанга асосланган ишлаб чиқариш бўйича жаҳондаги етакчи давлатлардан. Саммитда таъкидланганидек, ана шу икки салоҳиятнинг уйғунлашуви мутлақо янги иқтисодий ва технологик имкониятларни юзага чиқариши мумкин.

Тўртинчи стратегик йўналиш — “яшил” тараққиёт ва иқлим ўзгаришига мослашиш ҳам бугунги ва келажак авлодлар манфаатларига бевосита дахлдор. Марказий Осиё ва Корея ўртасида иқлим ва углевод ҳамкорлиги бўйича янги форматни ишга тушириш, Кореянинг илгор технологияларини жалб этиш, энергетик трансформация ва кам углеводли иқтисодиётга ўтишни рағбатлантириш минтақанинг барқарор тараққиёти учун муҳим.

Бироқ саммитда илгари сурилган бешинчи йўналиш — инсон капитали ва ёш авлод салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи, назаримизда, қолган барча йўналишни бирлаштирувчи фундаментал асосдир. Чунки технологияни ҳам, янги саноатни ҳам, рақамли иқтисодиётни ҳам, “яшил” тараққиётни ҳам билимли ва малакали инсонлар барпо этади.

Марказий Осиё аҳолисининг ярмидан кўпи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Бу —



қанча интеллектуал ва технологик қиймат яратилиши билан белгиланади. Шу маънода, муҳим ва нодир минераллар соҳасидаги ҳамкорлик учинчи стратегик йўналиш сифатида белгилангани бежиз эмас.

Бугун юқори технологияли саноат, транспорт, энергетика, электроника ва бошқа истиқболли тармоқлар ривожиди

улкан демографик салоҳият. Лекин демографик устуллик ўз-ўзидан иқтисодий устулликка айланмайди. Бунинг учун ёшларга замонавий билим, муҳандислик ва рақамли кўникмалар, халқаро тажриба ва муносиб меҳнат имкониятлари зарур.

Шу жиҳатдан Президентимиз илгари сурган “бўюртма — ўқитиш — бандлик” тамойили ўта муҳим. У кадрлар тайёрлаш тизимини меҳнат бозори ва реал иқтисодиёт эҳтиёжлари билан бевосита боғлашни назарда тутди. Корея бизнесининг юқори малакали кадрларга эҳтиёжини Марказий Осиёнинг таълим салоҳияти билан уйғунлаштириш ёшлар учун янги касбий имкониятлар очиб, қўшма саноат ва технологик лойиҳалар учун эса зарур мутахассислар базасини шакллантириши мумкин. Айниқса, сунъий интеллект технологияларини биргаликда ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёшларнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилгани келажак иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлаш масаласи стратегик даражага кўтарилганини кўрсатади.

Бу жараёнда Ўзбекистон муайян тажрибага эга. Мамлакатимизда Корея университетларининг тўртта филиали фаолият юритмоқда. KOICA кўмағида бешта касб-хунарга ўқитиш маркази ташкил этилган. Давлат таширфи доминида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани бу тажрибани янги босқичга олиб чиқиш имконини беради.

Бунда Кореяда меҳнат қилаётган ва тахсил олаётган ватандошларимиз билан учрашув ҳам ўзига хос маъно касб этади. Улар миллий иқтисодиёт ва давлат

бошқарувиغا сунъий интеллект ҳамда Кореянинг рақамли технологияларини интеграция қилиш, тиббиёт, транспорт, божхона ва туризмга инновацион ечимларни жорий этиш, АТ мутахассисларини тайёрлаш бўйича илгор тақлифларни билдирди. Бу эса хорижда билим олаётган ва тажриба орттираётган ватандошлар салоҳиятини мамлакат тараққиёти билан боғлашнинг янги механизмларини шакллантириш учун ҳам муҳим асосдир.

Ўзбекистон — Корея муносабатларининг мустаҳкамлиги фақат иқтисодий манфаатларга таянмайди. Халқларимизни кекса авлодга ҳурмат, ҳалол меҳнатни қадрлаш, Ватанга садоқат каби муштарак қадриятлар ҳам яқинлаштиради. Марказий Осиёнинг кўп миллатли оиласи ажралмас қисмига айланган корейс диаспораси эса халқларининг ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва дўстликнинг мустаҳкам кўприги бўлиб хизмат қилмоқда. 2027 йилда Ўзбекистон ва Корея ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ҳамда корейс диаспорасининг минтақамизда яшай бошлаганининг 90 йиллигини кенг нишонлаш режалаштирилгани ушбу муносабатларнинг инсоний ва маънавий пойдеворини янада мустаҳкамлайди.

Тарихдаги биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити якуналари бўйича Сеул декларацияси ва ҳамкорликнинг устувор йўналишларига доир қатор ҳужжатларнинг қабул қилиниши янги форматнинг институционал асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

“Умуман олганда, Президентимизнинг Корея Республикасига давлат таширфи ва биринчи “Марказий Осиё — Корея Республикаси” саммити ҳамкорлигининг янги фалсафасини намоеён этди. Унинг мазмунини инвестициядан технологик кооперацияга, хомашё етказиб беришдан юқори қўшилган қиймат яратишга, тайёр технологияларни жалб қилишдан инновацияларни биргаликда ишлаб чиқишга, кадрлар тайёрлашдан “бўюртма — ўқитиш — бандлик” асосида замонавий инсон капиталини шакллантиришга, икки томонлама манфаатдан минтақавий жадал тараққиёт маконини барпо этишга ўтиш сифатида ифодалаш мумкин.

Энг муҳими, бу янги ҳамкорлик моделида технологиянинг ўзи асосий мақсад эмас. У инсон ҳаётини яхшилаш, ёшларга замонавий билим ва касб ўргатиш, муносиб иш ўринлари очиб, иқтисодиётда рақобатбардорлигини ошириш ва келажак авлодлар учун барқарор тараққиёт пойдеворини барпо этиш воситасидир.

Шу маънода, Сеулда бошланган янги босқични фақат навбатдаги дипломатик мулоқот натижаси сифатида эмас, балки Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёнинг технология, билим ва инсон капиталига таянган келажакни Корея Республикаси билан биргаликда барпо этишга қаратилган узоқ муддатли стратегик қадам сифатида баҳолаш мумкин.

ҲАР БИР ТАШРИФДА ОЛТИН ФУРСАТЛАРНИНГ ҚАДРИГА ЕТИШ САОДАТИ БОР

Бошланиши 1-бетда

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Ли Ук Хён билан суҳбат, айниқса, самимий кечди. Бу учрашув ўтган йилларни, Ўзбекистон — Корея дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида биргаликда амалга оширилган ишларни ёдга олиш имконини берди.

Саммит арафасида давлатимиз раҳбари Миллий Ассамблея Спикери учун корейс тилига таржима қилинган “Мирзиёев доктринаси” китобига мамнуният билан дастхат ёзиб берди. Бу янги Ўзбекистон гоҳлари ва ислохотларига бўлган самимий қизиқишининг яна бир ифодасидир.

Кореялик дўстларимиз давлат таширфига алоҳида эътибор ва эҳтиром кўрсатди. Жанубий Кореядаги энг баланд бино — Lotte World Tower ҳамда Сеул телеминорасида Ўзбекистон байрогининг эркин тасвирлари намоеён бўлди. Президентимиз таширфи шарафига байроғимиз рангларидирижабл парвоз қилди, қароргоҳ олдидирижабл парвозида эса давлатимиз герби ва байроғи тасвирлари акс эттирилди.

“Тасаввур қилинг, Сеул 4 соат олдинда. 15 сентябрь Ўзбекистонда тонгги 6 бўлганида давлат раҳбарининг Корея Миллий ассамблеясида учрашуви бўлаётганди. Президентимиз парламент спикери билан хайрлашаётганида айтган гаплари қулоғимга чалинди: “Ишларимиз жуда кўп, соат 4 да уйғонишга тўғри келяпти”.

Буларнинг барчасида мезбонларнинг самимий меҳмондўстлиги ва юксак ҳурмати сезилиб турарди. Сеулдан илқ таассуротлар ва дўстликимизнинг истиқболли порлоқ эканига ишонч билан қайтдик”.

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг Жанубий Кореяга таширфи самимий учрашув ва суҳбатларга бой бўлганини халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Тўғри-да, минтақа давлатлари раҳбарларининг самимий табассумлари, ўзаро эркин суҳбатларига ҳар доим ҳам гувоҳ бўлавермаймиз. Бу ҳолат эса мамлакатларимиз ҳамда уларнинг етакчилари ўртасидаги ўзаро ишончни яққол намоеён этади.

“Яна бир гап. Ҳар сафар Президентимизнинг хорижга таширфлари жуда тигиз кун тартибидида ўтади ва ўзаро манфаатли учрашувларга бой бўлади. Бунга давлатимиз раҳбари ёнида юрган журналистларимиз ҳар доим гувоҳ бўлади. Улар ижтимоий тармоқларда бу ҳақда ёзиб ҳам туради.

Кеча ҳам шундай бўлди. Журналист Азиза Қурбонова ўз саҳифасида бундай ёзди: “...Мен машинада кўп юраман, кўчада бир-бири билан мулоқот қилиб кетётган ёшларни кўриб ўйлайман: қани энди улар энг бахтли кунлари шу эканини билсалар...”

Биласизларми, Президент ёзиб мени нима қийнайди? Менга вақт етмайди!” Сеулда давлат раҳбарининг ватандошларимиз билан мулоқотида шу сўзларини эшитиб, таъсирландим.

Биз Ўзбекистон Президентининг давлат таширфини ёритиш учун келган журналистларга ҳам, бутун делегациямизга

ҳам ва мана билдикки, Президентимизга ҳам вақт етмаяпти.

Тасаввур қилинг, Сеул 4 соат олдинда. 15 сентябрь Ўзбекистонда тонгги 6 бўлганида давлат раҳбарининг Корея Миллий ассамблеясида учрашуви бўлаётганди.

Президентимиз парламент спикери билан хайрлашаётганида айтган гаплари қулоғимга чалинди: “Ишларимиз жуда кўп, соат 4 да уйғонишга тўғри келяпти”.

“Ишларимиз жуда кўп”нинг маъноси, менимча, шундай: Президентнинг иш дастурида тушга қадар 1 та учрашув, 1 та қабул, яна 200 кишилик Ўзбекистон — Корея бизнес форумида нутқ, ҳужжатларни имзолаш маросими, Ўзбекистон виллоятларида 5 та қўшма анги лойиҳага старт маросими, Кореянинг 10 та чебол компанияси (кўп тармоқли улкан ошлавий бизнес) билан тет-а-тетлар. Бу вақтда эса яна бир залга одамлар тўпланди, Кореяда яшаётган, ўқиётган 50 га яқин ватандош маҳтал турибди. Бу ишларни бошида туриш тугул, шунчаки ўқиб кўрсангиз ҳам “ҳҳҳ” деб юборасиз.

Костюм-шим кийган жиддий одамларнинг гапларини эшитиб қоламан: “Балки ватандошлар билан учрашув “отмен”

“Ташлик қилмай ишлашларига биз ҳам гувоҳмиз, айниқса, хорижда тадбир-тадбирга улашиб кетаверади. Кўпроқ одам билан гаплашишга ҳаракат қилади Президент. Кўпроқ фойда олиб кетай юртимга дейди Президент.

“Бир кун ичида ниҳоятда кўп одам билан гаплашди, топшириқлар бергани, нуқт ўқигани — “нон-стоп” режими ўз таъсирини кўрсатади: Президент баъзан томоғи қирилаётгани учун узр сўрайди, “Булар менга сув ҳам бермайди”, деб ярни ҳазил, ярни чин айтади.

Шуларни ўқир экансиз, Жанубий Кореяга таширфининг қанчалик муҳим ва аҳамиятли бўлганини яна бир бор юракдан ҳис қиласиз. Яна англаймизки, Президентимиз қаерга бормасин, ким билан учрашмасин, доим ва доим 40 миллионли Ўзбекистон халқи мамлакатини ўйлайди. Нима қилса халқимизга яхши бўлиши, ҳаётимиз бугунгидан-да фаровон бўлиши ҳақида қайғуради.

Яна айтишимиз жоизки, давлатимиз раҳбарининг хориж мамлакатларига ҳар бир таширфида олтин фурсатларнинг қадрига етиш саодати бор.

Бундан шундай хулосага келамиз: мамлакатимизда кейинги йилларда бўлаётган тўб ислохотлар, халқимизни ҳаётдан рози қилиш йўлидаги сайё-ҳаракатлар ва улар ортидаги бугунги фаровон ҳаётимиз замирида жуда катта тинимсиз меҳнат ва яна меҳр-муҳаббат самараси турибди.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

“Президентимиз илгари сурган “Марказий Осиё — Корея Республикаси: жадал ривожланиш йўлидаги ҳамкорлик” номли узоқ муддатли концептуал қарашини ишлаб чиқиш ташаббуси алоҳида аҳамиятга эга. Унинг моҳияти бугунги муаммоларни ҳал этиш билан чекланмайди. Аксинча, келажакда мамлакатларимизга қандай компетенциялар, ишлаб чиқариш қувватлари, инфра-тузилма, кадрлар ва мутахассислар керак бўлишини олдиндан белгилаш назарда тутилмоқда.

технологиядаги ўзгаришларга тайёр туриш, янги компетенцияларни шакллантириш ва инсон капиталини шу мақсадларга мувофиқ ривожлантириш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Саммитда илгари сурилган иккинчи стратегик йўналиш ҳам айнан шундай мантиққа асосланади. Марказий Осиё энди фақат хомашё етказиб берувчи минтақа эмас, балки қўшимча қийматнинг глобал занжирларида муносиб ўрин эгаллашга интилаётган янги иқтисодий макон сифатида намоеён бўлмоқда.



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БУГҮН ШИДДАТЛИ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИНИ БОШДАН КЕЧИРМОҚДА

АМУДАРЁДА ЯНГИЛАНИШЛАР НАФАСИ

БОЗОРЛАР ТЎКИНЛИГИ — ЮРТ РАВНАҚИНИНГ КЎЗГУСИ



“Олтинсой” овул фуқаролар йиғинида 63 та камбағал оила яшайди. Маҳаллада широкот ва расурилар старди. Улардан унимим фойдаланиб йил

АНИҚ РАҚАМЛАР АСОСИДАГИ НАТИЖАДОР ЛОЙИХАЛАР

ЁХУД ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАР МУАММОЛАРИГА ҚАНДАЙ ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА?

“ Хотин-қизлар балансини шакллантиришда шахримиздаги 71 та маҳаллада хатлов ўтказилди. Бунда ишсиз, норасмий иш билан банд бўлган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларга эътибор берилди.

Қорақалпоғистонда хотин-қизларни қўлаб-қувватлаш ва улар билан тизимли ишлаш борисида сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Ўрганишлар орқали аниқ рақамлар шакллантирилиб, бандлик борисидиги пухта ва натижадор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўз ўрнида, улар фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз тараққийига муносиб ҳисса қўшади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ
тайёрлади.**



Солиқ қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш департаменти ташаббуси билан амалга оширилаётган бир қатор тизимли лойиҳалари алоҳида аҳамият касб этади.

Янгича ёндашувлар

ИНСОН КАПИТАЛИГА ТАЯНГАН ТАРАҚҚИЁТ ФОРМУЛАСИ



Тўрабек ТўРАЕВ,
Солиқ қўмитаси Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш департаменти директори

Бошланиши 1-бегда

Шундай экан, гап шунчаки кадр тайёрлаш ҳақида эмас. Гап инсон тақдирини меҳнат бозори эҳтиёжи билан уйғуллаштириш ҳақида. Солиқ тизимида ҳам инсон капитали — бош стратегик ресурс. Бу ёндашув солиқ тизими учун ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Чунки замонавий солиқ маъмуриятчилиги фақат қонуни билиш ёки рақамлар билан ишлашдан иборат эмас. Бугун солиқчи рақамли технологияларни тушунадиган, таҳлил қиладиган, мулоқотга тайёр, ўзгаришларга мослаша оладиган ва энг муҳими, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этадиган мутахассис бўлиши керак.

Шу маънода, 2030 йилга қадар белгиланган стратегик вазифалар доирасида солиқ тизимида кадрлар салоҳиятини ривожлантириш, ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, малака ошириш тизимини такомиллаштириш ва кадрлар қўнимсизлигига барҳам беришга қаратилган ишлар инсон капиталига берилаётган эътиборнинг амалий ифодасидир.

Зеро, кадрлар қўнимсизлиги фақат HR муаммоси эмас. Бу институционал хотира, тажриба ва тизим самарадорлиги масаласидир. Бир ҳодим кетганда унинг лавозими бўшайди, холос деб қараш масаланинг моҳиятини тор тушунишдир. У билан бирга тажриба, кўникма, жамоавий алоқалар ва йиллар давомида шаклланган институционал билимнинг муайян қисми ҳам кетиши мумкин.

Шунинг учун замонавий HR сиёсати ҳодимни ишга қабул қилиш билан эмас, унинг тизимда ўзини қадрланган, ривожлантиётган ва келажагини кўраётган инсон сифатида ҳис қилиши билан ўлчанади.

“ТОП-100”: ёш кадрга берилган ишонч

Шу нуқтаи назардан, Солиқ қўмитасининг Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш департаменти ташаббуси билан амалга оширилаётган бир қатор тизимли лойиҳалари алоҳида аҳамият касб этади.

Аввало, кадрлар захирасини шакллантириш, истиқболли ёш мутахассисларни аниқлаш ва салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган ишлар йўлга қўйилди. Солиқ тизимида истиқболли ёш кадрларни аниқлаш ва раҳбарлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган “ТОП-100 ёш солиқ кадрлари” лойиҳаси ёш мутахассисларга ишончнинг амалий кўринишидир.

Уларнинг аксарияти раҳбарлик лавозимларига жалб этилаётгани бир ҳақиқатни кўрсатади: ёшлик тажрибасизлик дегани эмас, агар унга имконият, билим ва ишонч берилса, ёш кадр ўзгаришларнинг асосий драйвери айланиши мумкин. Бу ерда энг муҳим жиҳат — лавозимнинг ўзи эмас. Муҳими, келажақ раҳбарларини бугундан тайёрлаш.

Дунё тажрибаси — миллий амалиётга

Салоҳиятли кадрни шакллантиришнинг яна бир муҳим омили тажриба алмашинуви-дир. Мамлакатимиздаги Солиқ олий мактаби

имкониятлари билан бирга ривожланган давлатларнинг нуфузли олий таълим муассасаларида стажировкалар ташкил этилиши, хорижий тажрибани ўрганиш ва илгор ёндашувларни солиқ маъмуриятчилигига имплементация қилиш жараёнлари кадрлар дунё-қарашини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.



Чунки бугунги солиқчи фақат ўз тизимидаги жараёнларни эмас, дунё солиқ маъмуриятчилиги қаерга қараб бораётганини ҳам билиши керак.

Технология ўзгараётган бир пайтда билимни янгиласлик кечаги усул билан бугунги муаммони ҳал қилишга уринишдир.

Ёш кадрларга эътиборнинг яна бир муҳим намунаси сифатида август ойида Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Ёш солиқчи — 2026” форумини қайд этиш мумкин. Кучли экспертлар иштирокида ўтказилган мулоқотлар, фикр ва тажриба алмашинуви якунида йўл харитасининг шакллантирилиши эса тадбирнинг оддий форум доирасидан чиқариб, амалий натижага йўналтирди.

Чунки ҳар қандай гоёнинг ҳақиқий қиймати унинг қанчалик қийоли айтилганида эмас, қанчалик амалга оширилганида намоён бўлади.

Куни кеча Зоминда ўтказилган “HR хавф-ларни бошқариш” тренинги ҳам тизимда кадрлар масаласига муносабат тубдан ўзгараётганини кўрсатади. Хавфни бошқариш учун, аввало, уни тан олиш ва аниқлаш керак.

Шу маънода, тизим ходимлари ўртасида “Инсон ресурслари соҳасидаги хатарларни



аниқлаш” мавзусида ўтказилган сўровнома ҳам муҳим қадам бўлди. Натижалар меҳнат муҳити, ходимларнинг ташкилотга дахлдорлик ҳисси, ички мотивацияси ва касбий ривожланиши билан боғлиқ айрим йўналишларда қўшимча чоралар зарурлигини кўрсатади.

Бу натижаларни муаммо эмас, ривожланиш нуқталарини аниқлаш имконияти сифатида қабул қилиш жоиз. Зеро, кучли ташкилот муаммоси йўқ ташкилот эмас. Кучли ташкилот муаммосини яширмайдиган, уни аниқлайдиган ва ечим излайдиган ташкилотдир.

Инсон капиталини ривожлантиришнинг учинчи муҳим йўналиши — “устоз-шогирд” аъёналарини такомиллаштириш. Технологини китобдан ўрганиш мумкин. Қонунини дарсликдан ўқиш мумкин. Аммо касбнинг нозик жиҳатлари, қарор қабул қилиш маданияти, масъулият, мулоқот ва тизимда

йиллар давомида шаклланган амалий тажрибани фақат инсондан инсонга ўтказиш мумкин.

Шу боис, “устоз-шогирд” тизими — ўтмишдан қолган анъана эмас. У институционал хотирани сақлашнинг замонавий механизми. Бугунги устознинг шогирди эртага

тизими такомиллаштирилмоқда. Энди энг муҳим босқич — натижа. Чунки давлат бошқарувида ҳар қандай стратегиянинг ҳақиқий мезони ҳужжатлар сони эмас, инсон ҳаёти ва меҳнатда сезиладиган ўзгаришдир.

Келажакка инвестиция

Сеулда илгари сурилган “буюртма — ўқитиш — бандлик” тамойилини кенгроқ фалсафий маънода талқин қилсак, бу аслида бир саволга жавобдир: давлат келажаки нимадан куради? Жавоб оддий: инсондан!

Завод қуриш мумкин. Технология сотиб олиш мумкин. Дастур яратиш мумкин. Аммо уларни ишлатадиган, такомиллаштирадиган ва янги гоёларга айлантирадиган инсон бўлмаса, барча инвестициянинг самараси чекланади. Шунинг учун инсон капитали харажат эмас. Инсон капитали — инвестиция.

Солиқ тизимида бу фалсафа янада муҳим. Чунки замонавий солиқ маъмуриятчилигининг юзи унинг бинолари ёки техник воситалари эмас, инсонлари. Билимли солиқчи — адолатли ва самарали маъмуриятнинг пойдевори. Ўзини қадрланган ҳис қилган ҳодим тизимга садоқат билан хизмат қилишга интилади. Доймий ўқиб-ўрганадиган мутахассис ишхотларнинг фаол иштирокчисига айланади.

Ёш кадрга ишонч билдирилса келажақ раҳбари шаклланади. Устознинг тажрибаси шогирдга ўтса, тизимнинг институционал хотираси сақланади. Шу маънода, бугун солиқ тизимида кадрлар билан боғлиқ қилинаётган ишлар оддий HR жараёнлари эмас. Бу — келажақ давлат хизматчисининг қиёфасини шакллантириш жараёни.

Сеул саммитида айтилган “буюртма — ўқитиш — бандлик” формуласи эса ана шу жараёнга ана бир муҳим мезонини қўшади: инсонни шунчаки иш билан таъминлаш эмас, унинг салоҳиятини мамлакат тараққийотига боғлаш. Зеро, кучли давлатни фақат кучли иқтисодиёт эмас, кучли инсонлар барпо этади. Бугун кадрларга сармоя киритаётган ҳар бир тизим аслида эртанги кунга сармоя киритмоқда.

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ ТАЪМИНОТИ: тизимга хусусий сектор кириб келмоқда

Маълумотларга кўра, юртимизда 3,8 миллионга яқин аҳоли ҳамда қарийб 2 мингта ижтимоий соҳа объекти суюлтирилган газ билан таъминланади. Жорий йилда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектилари эҳтиёжи учун 604,8 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш кўзда тутилган. Айни вазифа янгича тартибда бажарилиши кутиляпти. Боиси, ушбу йўналишда мутлақо янги тизим жорий этилмоқда.

Бошланиши 1-бегда

Юртимизда ана шу тизимни тубдан янгича, доимий ривожлантириб бориш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлانган боиси шунда. Хусусан, аҳолини суюлтирилган газ билан сифатли ва узлуксиз таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Юртимизда табиий газ тармоғи етиб бормаган ҳудудлар мавжуд. Бундай хонадонлар аҳолиси, асосан, суюлтирилган газдан фойдаланади. Аммо баъзан газ етказиб беришда муаммолар кузатишмоқда.

Бундан ўн йил олдинги вазиятни кўпчилик яхши эслайди. Суюлтирилган газ билан боғлиқ муаммолар деярли ҳар бир оилага дахлдор эди. Йиллар давомида янгиланмаган инфраструктура ортиб бораётган оқламанни кўтара олмай қолганди. Айрим хонадонлар газ келишини ҳафалаб қутишга мажбур бўлган. Айниқса, қиш ойларида муаммо яққол кўриниб қоларди. Газ баллонларини сотиб олиш у ёқда турсин, уларни топишнинг ўзи маҳол бўлган. Танқислик аста-секин одамлар ҳаётининг оддий қисмига айланиб қолганди.

Ҳозир бу муаммолардан асар ҳам қолмаган дейишдан йироқмиз. Аммо кейинги йилларда соҳадаги ўзгаришлар бевосита одамлар турмуш тарзига кириб боргани рост. Тизим тубдан янгиланиб, табиий ва суюлтирилган газ таъминотида мутлақо замонавий, рақамлашган ёндашувларга ўтилган самараси юртдошларимиз ҳаётида яққол сезилмоқда. Йирик қўламадги модернизация ишлари сабаб аҳолини газ билан таъминлаш камрови ошиб борапти.

Шунга қарамай, ҳали қилиниши керак бўлган вазифалар кўп. Аҳолига суюлтирилган газни ўз вақтида етказиб беришда баъзи муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан, айрим ҳудудларда суюлтирилган газ истеъмолчиларга белгиланган муддатларда етиб бормаётгани боис, аҳоли зарур манбани автомобилларга газ қуйиш шохобчаларидан бозор

нархларида харид қилишга мажбур бўляпти. Бу одамлар учун ортиқча харажат ва харажат дегани. Қиш эшик қоқаетган бир вақтда шу каби масалаларни ҳал этиш зарур.

Маълумотларга кўра, юртимизда 3,8 миллионга яқин аҳоли ҳамда қарийб 2 мингта ижтимоий соҳа объекти суюлтирилган газ билан таъминланади. Жорий йилда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектилари эҳтиёжи учун 604,8 минг тонна суюлтирилган газ етказиб бериш кўзда тутилган. Айни вазифа янгича тартибда бажарилиши кутиляпти. Боиси, ушбу йўналишда мутлақо янги тизим жорий этилмоқда.

Шу йил 7 сентябрда давлатимиз раҳбарига аҳолини суюлтирилган газ билан таъминлаш тизимини ислоҳ қилиш юзасидан тақлифлар тақдимот қилинди. Унда бир қанча йўналишлар белгиланган бўлиб, асосий мақсад суюлтирилган газнинг одамларга ўз вақтида етиб бориши, таъминотда узлишларга йўл қўйилмаслигига қаратилган. Давлатимиз раҳбари қўйётган талаб ҳам шу — айна масалалар, энг аввало, аҳоли манфаати устувор бўлиши зарур.

— Суюлтирилган газ таъминотида босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтиляпти, — дейди энергетика вазири Шерзод Хўжаев. — Бунинг учун соҳага хусусий секторни кенг жалб этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилган. Янги ёндашувни, аввало, Андижон вилоятида пилот лойиҳа сифатида амалга ошириш белгиланди. Унга кўра, ҳудудда “Худудгазтаъминот” билан бир қаторда хусусий тадбиркорларга ҳам газни аҳолига эркин нархларда сотиш имконияти берилади. Бунинг учун барча шарт-шароитлар яратилиб, баъзи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилади, мақсад соҳада тадбиркорларни кенгроқ рағбатлантиришга қаратилган.



Кун мавзуси

Бу одамларнинг танлов ва хизматдан фойдаланиш имкониятини ҳам оширади. Масалан, бугунги кунда аҳоли орасида белгиланган нормадан ортиқча суюлтирилган газ истеъмолига эҳтиёжи бўлса, ўз шахсий автомобилларида газ тўлдирish шохобчаларига бориб, газ баллонларини тўлдириб, нотўғри тарзда фойдаланиш ҳолатлари учраб турибди. Ана шундай хавфли ҳолатларга йўл қўймаслик учун керак бўлса ҳар бир маҳаллада суюлтирилган газ баллонлари сотиладиган, барча техник талабларга жавоб берадиган хусусий шохобчаларни очиш кўзда тутилган. Соҳага хусусий сектор кириб келиши эса рақобат муҳитини яратиб, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширади.

Истеъмолчиларда танлов имконияти бўлади

Гап энди одамлар “уйимизга қачон суюлтирилган газ етказиб беришар экан”, деб қутиб ўтирмадан, яқин атрофдаги хусусий шохобчадан исталганча газ сотиб олиши мумкинлиги ҳақида борапти. Андижонда бошланадиган пилот лойиҳа асосий тажрибага айланиши кутиляпти. Лойиҳа доирасида жараёнда қамда иккита хусусий оператор жалб этилади. Улар зарур лицензия ва рухсатномалар, малакали муҳандис-техник

ҳодимларга эга бўлиши керак. Ҳудудларда шохобчалар ташкил қилиниб, суюлтирилган газни етказиб беришнинг аниқ жадалли бўлган, ҳисоб-китоблар рақамлаштирилиб, тақсимот шаффофлиги таъминланади.

Истеъмолчилар учун мобил илова ва онлайн хизматлар йўлга қўйилади. Одамлар

суюлтирилган газни онлайн буюртма бериши, ўзи истаган вақтда исталган ҳажмда сотиб олиши каби қулайликлар юзга келади. Бу эса илгари мавжуд бўлган “газ қачон келадими?” каби саволлар ўрнига “буюртмани қачон етказиб берилади?” деган замонавий хизмат моделини шакллантиради. Асосийси, одамларга танлов имконияти ошади. Масалан, айни пайтда “Худудгазтаъминот” томонидан асосан 20 килограмм баллонлардан фойдаланилмоқда. Янги моделда эса тадбиркорларга замонавий газ баллонларидан фойдаланиш, уларни истеъмолчиларга ўз эҳтиёжидан келиб чиқиб тақлиф этиш имконияти берилади. Рақобат муҳитида сифат ва тезкор хизмат турлари ортади.

Хусусий секторни жалб қилиш борасида дастлабки тажриба сифатида Андижон вилояти танланган бежиз эмас. Бугунги кунда вилоят тадбиркорлари хориждан суюлтирилган газ харид қилиб, ички бозорда сотмоқда. “Ширин” пунктида бошланган тажриба натижалари янги ёндашув самарадорлигини кўрсатади. Энди айни тажрибани янада такомиллаштириш ва натижадорлигини ошириш ишлари давом эттирилади. Янги тажриба босқичма-босқич бошқа ҳудудларда ҳам жорий этилади.

— Тизимда шаффофлиқни таъминлашдаги муҳим жиҳатлардан яна бири суюлтирилган газнинг чакана нархини белгилашда иқтисодий асосланган бозор механизмларига ўтилаётганидир, — дейди иқтисодиёт ва



молия вазири ўринбосари Хуршид Мустафоев. — Гап шундаки, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш, импорт, харид ва етказиб бериш харажатлари ўртасидаги тафовут йилдан йилга ортиб, бюджетдан ажратиладиган субсидияларга талаб кўпаймоқда. Катта ҳажмдаги мавжуд эҳтиёжни қондириш учун фақат тизимни бошқаришнинг ўзи етарли эмас. Ресурсларни харид қилишдан тортиб, етказиб беришгача бўлган барча бўғинларни бир бутун тизим сифатида такомиллаштириш зарур. Шу боис, “Худудгазтаъминот” таъсисчилигида “LPG-Trade” МЧҚни ташкил этиш тақлиф қилинди. Ушбу тузилма суюлтирилган газни биржа орқали харид қилиб, белгиланган тартибда одамларга етказиб бериш билан шугулланади. Жараёнда нарх сиёсати босқичма-босқич тартибга солиниб, эҳтиёжманд оилалар учун манзилли қўллаб-қувватлаш механизми жорий этилади. Ижтимоий соҳа объектиларининг эҳтиёжлари учун суюлтирилган газни биржа нархларида етказиб бериш, аҳолига белгиланган нархда сотиш натижасида юзга келадиган салбий тафовутни республика бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартибни ҳам кўзда тутилмоқда.

Бунда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар манфаатлари алоҳида эътиборга олинади. Ягона ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган оилаларга газ хариди учун субсидиялар ажратиш белгиланяпти. Бу, айниқса, куз-қиш мавсумида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами учун қўшимча кўмак бўлади.

Янги тизимга кўра, хизмат нархларини босқичма-босқич бозор механизмлари асосида, етказиб бериш харажатлари ва инфратузилмани ривожлантириш эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда шакллантириш режалаштириляпти. Ҳар қим истеъмолга яраша тўлов қиладиган шундай шароитда, қолаверса, соғуқ мавсум сабаб газга талаб ошган вақтда айрим одамлар учун истеъмол эҳтиёжини қондириш қийинчилик туғдиради. Шу боис, давлат томонидан ёрдам умумий имтиёз шаклида эмас, айнан эҳтиёжманд оилаларга йўналтирилади. Суюлтирилган газни импорт қилувчи корхоналар учун биржа савдолирида қонунчилик асосида айрим имтиёз ва четғималар берилиши эса ресурс таъминотини барқарорлаштиришга хизмат қиладди.

Шундай қилиб, суюлтирилган газ таъминотида янги босқичга ўтиляпти. Бундан, аввало, аҳоли манфаатдор бўлиши керак. Белгиланган чоралар натижаси, айниқса, куз-қиш мавсумида одамларнинг уйи иссиқ, газ таъминоти билан боғлиқ муаммоси бўлмаганида кўринади. Қолаверса, ушбу йўналишда аҳолига қулай, хавфсиз ва барқарор хизмат қўрсатишни таъминлаш мақсад қилинган. Истеъмолчи суюлтирилган газни қардан топишни эмас, уни қанчалик тез ва сифатли олишни ўйлайдиган, ўзига мосини танлайдиган тизим яратилипти.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



2026 йил 18 сентябрь, 193-сон

6

Ўткир Ҳошимов ижодининг миллий адабиётимиздаги мустақкам ўрни ва авлодлар қалбига етиб боришининг бош сабаби ҳам айнан шунда — унинг ҳаётий позицияси билан бадиий маҳорати ўртасидаги комил муносабикликда. Ҳаётда қандай яшаган бўлса, ўз асарларида ҳам шундай ростгўй ва камтар ижодкор бўлиб қолди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz_news

Ўткир Ҳошимов таваллудининг 85 йиллигига

НАСРДАГИ ШОИР

Нега бирор шахс ёки воқеани эслаганимизда, бутунлай қутилмаган, лекин бир-бирига узвий боғлиқ бошқа тушунча ёки макон кўз олдимишга келади? Психологияда бу ҳодиса “ассоциатив лангар” деб аталади. Инсон зехни улкан ахборот оқимини тартибга солиш учун объектларни муайян воситалар — жой, воқеа ёки рамзлар билан кодлайди. Натижада мия узок давом этадиган мантикий занжирларни четлаб ўтиб, энг кучли боғланишга эга таянч нуқтага дарҳол уланади.



Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўткир Ҳошимовни эслаганимда ҳаёлимга шовиллаб, ваҳм солиб оқувчи Бўрижарнинг келиши адиб асарларидаги воқеалар маконининг ҳиссий ва мантикий марказлаштирилгани билан боғлиқ. Ўзунчи ушбу ҳудуд муҳитини, ундаги инсонлар тақдири ва ижтимоий муносабатларни гоят аниқ тасвирлаган. Ўқувчи хотирасида ижодкор образи ва Бўрижар географияси бир-бирига узвий сингиб кетган.

Мана, масалан, Абдулла Қодирий исми тилга олинганда кўпчиликнинг хаёлига беҳуттиёр Марғилон шаҳри келади. Қодирий ўзи Тошкентда туғилиб ўсган бўлса-да, унинг энг машҳур асаридagi асосий воқеалар туғуни ва фожиалар айнан Марғилон билан боғлангани сабабли инсон хотираси ёзувчинини ушбу шаҳар образи орқали қабул қилади.

Чингиз Айтматовни эслаганимизда эса Иссиқкўл ёки қирғиз даштлари кўзимиз олдида гавдаланади. Унинг асарларидаги инсон ва табиат ўртасидаги зиддиятлар айнан шу кенгликлар фониди очиб берилгани учун бу географик ҳудудлар адиб шахсиятининг рамзий давомига айланган. Бундай мисоллар жуда кўп. Шахс қайси тушунча, гоят энг кўп эмоционал ва интеллектуал қувват сарфлаган бўлса, жамоатчилик хотирасида ҳам у айнан ўша образда муҳрланади.

Албатта, Ўткир Ҳошимов ҳақида шаклланган тасаввур, аввало, унинг асарлари ва одамлар билан муносабатиди кўринган жиҳатларга боғлиқ. Биз ташқаридан билган ушбу феъл-атвор адиб дунёқарашидagi қатъият ва матонатни тўла аниқлаш мумкин.



Аммо ёзувчининг одамлар билан муомаласидаги умшюқлик, ҳаёт, адабиёт ва эътиқодига муносабатидagi принципиаллик, шубҳасиз, бир-бирини инкор этмаган. Аксинча, унинг шахсиятини яхлитлаштирган икки жиҳатдир.

Шу сабаб адибни яқиндан билганлар хотирасида у фақат кўнгилга яқин, хушмуомала инсон сифатида эмас, балки ички мезонлари аниқ, ўз қарашларидан осонликча чекинмайдиган дилбар шахс сифатида ҳам қолган.

— Дадамнинг асарларини ўқиган китобхон муаллифни кўнгил одами деб ўйлайди. У билан бевоқифа суҳбатлашганлар ҳам дадани хушмуомала, юмшюқфеъл одам сифатида эслаб қолган, — дея хотирлаб адибнинг қизи Юлдуз Ҳошимова. — Аслида, даданининг ичига мустақкам ўзак бор эди. Қатъият ўзаги, адолатпарварлик ўзаги. Бу феълни ноҳақликларни кўрганда намоеъ бўларди. Қаерда ишлашидан қатъи назар, ўзи тўғри деб билган йўлдан ҳеч қачон қайтмаган. Виждонига қарши борганини кўрмаганман. Шунинг орқасидан жуда кўп дакки эшитган. Ҳатто “Шарқ юлдузи”да ишлаб юрган пайти унга қарши беш юз бетли қоралов материалли йиғилган. Тасаввур килинган-а, беш юз бетли!

Замондошлари ўз хотираларида ёзувчини эл ардоқлаган, у адабиётга кириб келганидан буён ижода ғиромлик йўлидан юрмаган, истеъдодини шахсий манфаатларига қурбон қилмаган деб ёзар экан, ҳақиқатан, адибнинг қалбига қулоқ солмай, виждонига хилоф равишда ёзган, ёлгонга ва ёмонликка хизмат қилувчи ёки китобхонни лоқайд қолдирувчи бирорта асари йўқлигини хушёр ўқувчи тушуниб етати. Шунинг учун халқ уни дарров,



тўсиқларсиз, пардаларсиз қабул қилди — ўғилдек, отадек, шогирд ҳамда устоздек.

“Сиз — менинг ўғлимсиз”

Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос Озод Шарафиддинов бундай эслаган: “Бу воқеа Қувадаги бир колхозда рўй берганди. Дала шийпониди, тушлик вақтида китобхонлар билан учрашув бўляпти. Авжи саратон. Кўёш роса забтига олган. Чоққина ҳовуз теварагидagi толлар ҳам, дид билан саралаб экилган анвойи гуллар ҳам иссиқдан толиққандек қилт этмайдди. Лекин учрашувга тўп-ланганларни жазирама шаштидан қайтаргани йўқ. Олис беридалардан ҳам, ҳатто қўшни хўжаликлардан ҳам одамлар келган.

Бир маҳал одмигина кийинган ўрта ёшлардаги аёл минбарга кўтарилди. Чехрасида чўнг бир мусибатнинг муҳри илганиб турган бу аёлнинг исми Мушарраф ая экан.

— Ўткиржон, сиз менинг ўғлимсиз, — деди у ҳажжонда. — Ҳайрон бўлманг, менинг ўғлим бор эди. Афғондан темир тобути

келди. Йиғлай-йиғлай кўзимда ёш қолмади. Мусибат мени енгитиши аниқ эди. Бир куни кўлимга бир китоб тушди. “Дунёнинг ишлари”. Уни ўқидим-у, руҳим енгил тортгандай бўлди. Аёлнинг, онанинг улғулигини яна бир бор ҳис қилдим. Шунда сизни ўғлим ўрнига ўғлимдек қабул қилдим. Аллоҳдан ўғлим яшаёлмаган умрни сизга бағишлашини тиладим. Шу тилак билан сизга атаб дўппи тикдим...

Мушарраф ая гапини тугатиб, Ўткирнинг ёнига борди ва оқ докага ўралган дўппини олиб, бошига кийгизди. Йўқ, гулдурос қарсақлар янграмади, кимлардир бўғизга келган йигини ютиб, кўзларини пирпиратди, кимларнингдир кўзларига ёш қалқди.

Оддий кишлоқ аёлининг адибга бунчалик меҳри мени ҳанузгача ҳаяжонга солади. Бора-бора оддий одамларнинг Ўткирга бағоят эҳтиром кўрсатишига кўникиб ҳам кетдим. Чунки ҳар йили камиди бир-икки марта бундай ҳодисаларнинг гувоҳи бўла бошладим...”

Ўткир Ҳошимов қониди, табиатида аждодларидан ўтган, хусусан, бобосига хос арбоблик, отасидан ўтган бир оз қизиққонлик,

ҳақпарастлик, онасидан теккан кўнгилчанлик, ўзгалар дарига ҳамдардлик хислатлари ўзига хос тарзда мужжасам. Ўзунининг болалиги оғир уруш даврида ўтди. У уруш даврининг муҳтожликлари ва машаққатларини кўриб, татиб ўсди. Ҳам кишлоқ, ҳам шаҳар одами сифатида шаклланди. Кейинчалик болалик таассуротлари унинг ижодида чуқур из қолдирди.

Адибнинг аждодлари ўз замонасининг етук инсонлари бўлган. Бобокалони Абдулқосимхон эшон Чор Россиясининг Туркистонга босқинига қарши турган улаомлардан бўлиб, ўн тўққизинчи аср ўрталарида ўз маблагига катта мадраса қурдирган. Унда юздан ортқ талаба илм олган. Абдулқосимхон эшон аҳли илмнинг ётоғидан тортиб, қундалик турмуши учун нафақа (стипендия) ҳам тўлаб борган. Бу даргоҳда Абдулла Қодирий ҳам ўқиган, тахсил қўрган.

Отаси Атаулла Ҳошимов эса оддий ишчи бўлган. Умрининг кўп қисmini Тошкент тўқимачилик комбинатида, кейин шу комбинат ҳузуридаги пионерлар лагерида ишлаб ўтказган. “Отам эскича алифбодига

китобларни ҳам, замонавий газеталарни ҳам муттасил ўқиб борар, камгап, хийла тажани, аммо ниҳоятда ҳақпараст одам эди... Бирор ноҳақликни кўрса, лов этиб ёниб кетар, “падарингга лаънат”, “кўрсатиб қўйиш керак”, деб шовқин кўтарарди”.

Ўткир Ҳошимов “Машаққатли сафар” деган таржимаи ҳолида оилада отаси билан боғлиқ яна бир ҳолатни алоҳида таъкидлайди: “Отамдан қаттиқ ҳайқар эдик. Отам бирон марта ҳам бир тарсаки урган эмас. Отани қаттиқ иззат қилишни онам ургатган: “Ҳозир аданг келди, уйни супуриб қўй”, “Адангнинг жажхлари ёмон, тинч ўтиринлар”, “Адангнинг кетмонига тегма”, “Адангнинг соатиға қўл теккизма...” Билмадим, ҳозирги замонавий оилаларга бу ҳолат “феодализм” бўлиб тушолар, аммо бизнинг оиламизда ота шахсига эҳтиром фарзандларга зиён келтирганини эслай олмаيمان”.

Бўлгуси адибнинг онаси Ҳақима Ҳошимова уй бекаси эди. Бу аёл мадраса кўрмаган бўлса ҳам гоят зехни ўткир, жуда хушфеъл аёл бўлган. “Онам эса, аксинча, ниҳоятда ювош, жуда меҳрибон эди. Кўшинининг мушуги тугса ҳам, жони оргизидан, деб ачинар, қўчада бирор бола йиғлаб ўтирган бўлса, албатта, тепасига бориб бошини силар, бирор сабаб билан биз — болаларни қаргаса, ўзи ҳам йиғлаб юборар, ўша заҳоти кўнгилмизини олишга ҳаракат қалби, табиати фариштали, диенатли аёл бўлгани учун маҳалла-қўйда уни ёшу қари баравар ҳурмат қиларди. Одамлар ўртасида бу аjoyиб инсон “пошша ойи” деган ном билан шуҳрат топганди. Айтганча, бу киши қанақа одам бўлгани “Дунёнинг ишлари”да маҳорат билан тасвирланган.

“Ўткир Ҳошимовда нафосат туйғуси беҳад кучли. Ҳатто у алданган одамнинг маънавий инқирози, фожиаси, ҳалокати тасвирида ҳам шу туйғуни сақлаб қолади. Айниқса, у яхши, олижаноб, маънавий баркамол хасалар қалби, табиати тасвирида ўзини ниҳоятда эркин ҳис этади”, деган эди адабиётшунос Умарали Норматов. Ҳақиқатан, ёзувчининг ижобий қаҳрамонлари асари тўдақдай бегубор, нафосат туйғусига бой, ўта таъсирчан одамлар. Эҳтимол, ёзувчи асарлари қаҳрамонларининг ўзбек китобхонлари кўпчилигини асир қилган омиллардан бири шундирди. Унинг асарларида персонаж талқинидаги нафосат туйғуси билан йўллаган лиро-романтик йўналиш алоҳида жилбо билан намоеъ бўлади. Бу ҳолат, шубҳасиз, миллий насримизнинг бойлиги.


Тўлғоқ тутганда...

Паустовскийнинг бундай гапи бор: “Ҳар бир дақиқа, бехосдан айтилган ҳар бир сўз ва ташланган нигоҳ, ҳар бир теран ва юзаки фикр, инсон юрагининг ҳар бир сезилмас ҳаракати, теракнинг учиб юрган момиги ёки кечаси кўлмақда жимирлаган юлдуз шуъласи — ҳамма-ҳаммаси олтин чангиннинг зарраларидир. Биз, қаламкашлар ўн йилларча мана шу кичик зарраларни йиғамиз, йиғаетганимизни ўзимиз ҳам пайкамаймиз. Бир бўлак тиллага айлантирамиз ва кейин ундан ўзимизнинг “олтин гул”имизни — қисса, роман ёки поэмаимизни ясаймиз...”

Паустовскийнинг “олтин гул” ҳақидаги қараш ижод табиатининг энг нозик фалсафасидир: ёзувчи атрофидagi ҳар бир майда

ишорани, ҳис-туйғу ва таассуротни жимгина ўзига сингдириб боради. Улар вақти-соати келиб битта бутун асар, яхлит оламга айланади. Аммо бу метафора ортида муаллифнинг руҳиятида кечадиган мураккаб ва азобли жараён яширинган. Йиғилган шу “олтин чанги” ёмбир ҳолига келиши учун қорғозга тушар экан, ижодкор ташки дунё билан алоқасини деярли узати. Бу ҳолат ҳар қандай чалғитувчи қаҳриқдан, ҳатто энг мароқли сафарлардан ҳам устун келади.

Бунинг қанчалик ҳақиқат эканига Иброҳим Ғафуров гувоҳ бўлган бир воқеа аққол мисол бўла олади: “Ёзувчи зотини тўлғоқ тутган пайтларни кўрганман. Бундай тўлғоқнинг ширин азоби пайтида унинг кўзига ҳеч нарса кўринмас, еган-ичгани татимас экан.



Имконият туғилиб, Покистонга сафарга борадиган бўлдик. Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Дадахон Нурий, Аҳмаджон Мелибоев ва камина. Бу сафарга Ўткирнинг ҳеч боргисини йўқ эди. Биз уни кўндиришга уринар, у эса нуқул “қолиб кетади”, “қолиб кетади”, дер ва қўлдаги пиридоғини ўта асабий нохуш пириллатарди. Шу кезлар у бир асар устида ишлайётган, кейинги воқеалар, зиддиятларнинг ечимлари миясида пишиб етилган, энди уларни шитоб билан қўзигида қорғозга тушириш пайида эди. У дўстарларининг юзидан ўтолмай, не азоб билан бўлса-да, биз билан ҳамроҳ бўлди. Лекин уч кун сира-сира очилмади. Бошини булут босгандай тумтайиб юрди. Назаримда, касал бўлиб қолаётганга ўхшарди.

Охириги куни “Ахир нега бунақасиз, Ўткир!” десам, ниҳоят ёрилди. “Ўша сизга айтганман: янги роман охиригача миямда пишиди, тез тугатмасам, совийди. Қолиб кетади!” деди яна аянчли ёзғирди. “Темпини йўқотиб қўйиш ёмонда, а?” дедим. У худди шунини кутиб турганди, “Жуда ёмон, жуда ёмон!” деди аввалгидан баттар хуноб бўлиб.

Хуллас, уч кун сафарда унга ҳеч нарса татимади. Игнанинг учиди келгандай бўлди. Ҳатто жануб денгизи, сарин шамоллар, қизиқарли учрашувлар унинг бахридиллини очолмади... Мен уни дўстарим қатори бу сафарга кўндирганимга ўқиндим. Ижодкорга бу янги асарга ҳомиладор бўлганда, тўлғоқ тутганда сира тегиб бўлмаслигини анигладим. Аммо бир ойлардан сўнг у юзи ёришган, кўзи порлаган ҳолда келди. “Тугатдим!” — деди. — Ном топиш керак”. У бир қанча номларни айтди. Улар ичига жуда эътиборли, салмоқдорлари ҳам бор эди. Бир оз ўтириб, уларни “разбор” қилдик. Барбери уларнинг бирортасига тўхтатш қийин бўлди. Андак вақт ўтгач, дўстларимиздан бири “Бу воқеалар худди тушдай кечсин”, деб айтибди. Ўткирнинг мияси ярқ очилиб, “Тушда кечган умрлар” деган ном юзага чиқди. Адабиётимизда ангилган бўлган романлардан бири шундай тўлғоқларда туғилди. Албатта, Покистон сафари ҳам беҳуда кетгани йўқ. Афғонга ўхшаш шаронгнинг руҳи ўз ўрнида аса садосини топди”.

Бадиий асар қатта ҳаяжон билан, шавқ билан ёзилиши керак. Бу ҳақда ёзувчи бундай дейди: “Китоб ёзаётган қаламқашнинг ҳаяжони китоб ўқитган ўқувчининг ҳаяжонидан ўн қарра кучли бўлади. Китоб ўқитганингизда жиндай табассум қилсангиз, билингки, ўша саҳифаларни қаламқаш росмана қулиб ёзган. Китоб ўқитганингизда кўзингизга бир қатра ёш келса, билингки, қаламқаш ўша саҳифаларни росмана йиғлаб ёзган”.

Ижтимоий тармоққа жойланган эски интервьюларни бирма-бир кўздан кечирарканман, ёзувчининг аёли Ўлмасхон Ҳошимовнинг ушбу ҳикояси диққатимни тортди: “1982 йили Пицундага бордик. Ўзунчилар ижодий уйдан хона беришди. Мен болаларни денгизга олиб бораман. Адаси деярли хонадан чиқмай ишлайдилар... Орадан ўн кунлар ўтди. Бир гал хонага қайтсак, ёзган нарсаларини йиртиб ташлаётдилар. Ҳай-ҳайлаб бир қисмини олиб қолдим. Қўлёзма сарлаҳасини шунда кўрдим. “Эртага — кўз”. Юз бетлар ёзилган экан, деярли ҳаммаси йиртилиб бўпти...”

— Нега ундай қилдингиз? — десам, қўл силтадилар:

— Бўлмайди! Сигмаепти! Хом! Қўлёзманинг омон қолган саҳифаларини ўқиб кўрсам, бинойидек. Нима “бўлмагани”, нима “хом”лигини орадан икки йил ўтгач, “Икки эшик ораси” романи қорғозга тушганидан сўнг анигладим. “Икки эшик ораси”дек салмоқли, фалсафий, психологик роман аввалги услубга ҳам, қолигига ҳам сийиши мумкин эмас экан”.

“Ўткир Ҳошимовни насрдаги шоир, етук асарларини эса насрдаги қўшиқ, тарона деб аташ мумкин. “Чўл ҳавоси”дан тортиб, “Дафтар ҳошиясидаги битиклар” китобига қадар барча асарига хос муштарак жиҳат тушуки, улар бетакорор, беназир сирли мусликий оҳанг билан йўғрилган”, дейди Умарали Норматов. Дарҳақиқат, муаллиф қалами учидан сўлар муслика сингари қўйилиб келади; унинг ҳикоя ва қиссалари шёрьдек, достондек ўқилади, улар яқка созда чалинган дилрабо қўйдек янграйди, романлари кўп овозли симфонияни эслатади, ҳатто унинг бадналари, публицистик мақолаларини ўқиганда инсон кўнгил ҳазинасининг, туйғуларининг хилма-хил жиллолари мужжасам, оддий маиший кечинмалардан тортиб, улкан ижтимоий мушоҳадалар, кескин руҳий драмалар, фожиалар, қабоҳатлар ҳақида қалам тебратганда ҳам нафосат туйғусини асло тарк этмайди. Гоят тизиз лавҳаларда ҳам ажиб самимият, ҳазин ва нузли бир куй аса садо бериб туради.

Ялписомса

Халқ ёзувчиси ҳақида халқ хулоса қилгани маъқул. Тагин адиб ҳаёти ва ижодида онд хотираларни ўқирканман, Ғани Абдуллаев деган борбоннинг мақоласига кўзим тушди: “Эсимда, эрта баҳор кезлари эди. Тушлик қилиш учун уйга кетаетсам, дала йўлининг четиди Ўткир ақанинг ҳаворан “Жигули” машинаси турибди. Яқинроқ бориб қарасам, ёзувчи умр йўлдоши Ўлмасхон опа билан анҳор қирғоғида юрибди. Ялпис теришаётган экан. “Нега шийпонга бормадингиз?” десам, “Сизни ишдан қолдиргимиз келмади”, дейишди... Эртасига нима сабабдандир шийпонга пешиндан кейин бордим. Қарасам, шийпон устунининг миҳида бир халтача илгилёқ турибди. Очиб кўрсам, ичига қорғоз пакетта солинган ялписомсалар бор экан. Газета таҳририятига кўнғирок қилдим. “Эрталаб ишга келаётганда чайлага ўтган эдим, йўқ экансиз, сизнинг насибангизни қолдирдим”, деди Ўткир ака...”

Шу хотиранинг ўзиге Ўткир Ҳошимов феноменини очиб беради: ёзувчининг шахсияти ва бадиий олами аслида бир-биридан айро бўлмаган ягона бутунлик эди. Жамиятдаги мавқега қарамай, оддий меҳнаткаш инсоннинг меҳнатини қадрлаш, унга камтарона ва самимий муносабатда бўлиш адиб учун ички эътиқод эди.

Китобхонлик тажрибаси шунини кўрсатадики, ўқувчи мағдгади сохталаштирилган туйғуларни тез пайқайди. Мазкур воқеа эса адибнинг асарларидаги самимият манбаи қаердан эканини аққол исботлайди: ҳаётда одамларни чин дилдан севган, уларнинг ички дунёсини ҳурмат қилган ва кичик эътиборни ҳам унутмаган адибгина ўз асарларида ўқувчини ларзага солувчи ҳаққоний образларни яратга олади.

Ўткир Ҳошимов ижодларининг миллий адабиётимиздаги мустақкам ўрни ва авлодлар қалбига етиб боришининг бош сабаби ҳам айнан шунда — унинг ҳаётий позицияси билан бадиий маҳорати ўртасидаги комил муносабикликда. Ҳаётда қандай яшаган бўлса, ўз асарларида ҳам шундай ростгўй ва камтар ижодкор бўлиб қолди.



ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.



“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълолар бўлими: (71) 233-70-98

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Девонхона ва ишонч телефони:
(71) 233-56-60

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан ўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Т-946.

29323 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида басилган. Қорғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Жонибек Алижонов
Мусаххас: Насиб Абдуллаева
Дизайнер: Хуриш Абдуллаев

Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎЗА яқуни — 20:37 Топширилди — 21:50